

Шайх Саид Қаҳтоний

ҚУРЪОН ВА СУННАТ  
ЎҒДУСИДА ҲАЖ ВА УМРА  
ҚИЛИШ

Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

(باللغة الأوزبكية)



## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Яратган ва дунёю охират бахт-саодатига кафил бўлувчи ибодатларни бандаларига фарз қилиб қўйган Аллоҳ таолога ҳамду санолар ва Унинг бутун оламга раҳмат қилиб юборилган сўнгги пайғамбарига салавоту саломлар бўлсин.

Аллоҳ таоло шариатида баён қилган ибодатлардан бири ҳаж ва умрадир.

### Ҳаж ва умранинг фазилатлари

Бу ибодатлар банданинг гуноҳлардан покланиши учун катта синовдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бу Уйга келиб, ёмон сўзларни сўзламаса ва фосиқлик қилмаса, онасидан янги туғилган кундаги каби (уйига) қайтади», дедилар (Имом Муслим, 2/ 983; «Саҳиҳут-Термизий», 1/ 245).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Амр ибн Ос разияллоҳу анҳуга: «...Ҳажнинг ҳам ўзидан аввалги нарса (гуноҳ)ларни йўқотишини билмайсанми?!», дедилар (Имом Муслим, 1/ 112).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: «Қайси амал энг афзал?» деб сўралганида: «Аллоҳ ва расулига иймон келтириш», «Кейин-чи?», деб берилган саволга: «Аллоҳ йўлидаги жиҳод», «Кейин-чи?», деб берилган саволга эса: «Мабрур (яъни, Аллоҳ тарафидан бекаму-кўст қабул қилинган) ҳаж», деб жавоб берганлари нақл қилинган (Фатхул-Борий», 3/ 381).

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Умра ва ҳажни бирин-кетин қилингиз! Чунки ҳаж ила умра фақирлик ва гуноҳларни худди босқон олтин ва кумуш устидаги кирларни кетказганидек йўқотиб ташлайди. Мабрур ҳажнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқдир» (Насоий, Термизий, ибн Можа, имом Аҳмад ва бошқалар ривоят қилдилар. Аллома Албоний «Саҳиху ибн Можа» китобида бу ҳадиснинг саҳиҳ-соғлом эканини баён қилди, 2/ 553).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳнинг карвони учтадир: ғозийлар, ҳожилар ва умра қилувчилар», дедилар» (Аллома Албоний, «Саҳихун-Насоий», 2/ 557; «Саҳихул-Жомеъ», 6/ 108да бу ҳадиснинг саҳиҳ-соғлом эканини баён қилган).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ йўлида жиҳодга чиқувчилар, ҳаж ва умра қилувчилар Аллоҳнинг карвонларидир. Аллоҳ уларни чақирди, улар чақирикқа итоат қилиб келдилар. Улар ҳам Ундан тиладилар ва У ҳам уларнинг тилакларини берди» (Ибн Ҳиббон, ибн Можжа ва бошқалар ривоят қилдилар. Аллома Албоний «Саҳиху ибн Можа», 2/ 149 ва «ал-Аҳадисус-Саҳиҳа», 4/ 433 да бу ҳадиснинг саҳиҳ-соғлом эканини баён қилди).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳнинг Арафа кунидаги каби жаҳаннамда азоблаётган қулларини озод қиладиган бошқа бир кун йўқдир. У кунда Аллоҳ жуда ҳам яқин келади ва ҳаж қиладиган бандаларини фаришталарга

мақтаб: «Улар (дуо қилиб) нималарни тиладилар?», дейди» (Имом Муслим ривояти, 2/ 983).

## Ҳаж аҳкомлари

Ҳаж – Аллоҳ таолонинг Китоби, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари ва умматнинг ижмоъси билан фарз бўлган ибодатдир.

Аллоҳ таоло Қуръон Каримда деди:

«... Каъбани ҳаж (қасд) қилиш - йўлига қодир бўлган одамлар зиммасидаги Аллоҳнинг ҳаққидир...» (Оли Имрон: 97).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Ислом беш нарса асосига қурилган: ... ҳаж қилиш» (Имом Бухорий ривояти, «Фатҳул-Борий», 1/ 49; Имом Муслим ривояти: 1/ 45).

Оиша разияллоҳу анҳонинг: «Эй Аллоҳнинг расули, хотин-қизларнинг ҳам жиҳод қилиш мажбуриятлари борми?», деб берган саволларига Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, уларнинг уруши бўлмаган жиҳод қилиш мажбуриятлари бор. У – ҳаж ва умрадир», деб жавоб бердилар (Ибн Можа ва имом Аҳмад ривоятлари: «ал-Муснад, 6/ 156. Аллома Албоний бу ҳадисни «Саҳиҳу ибн Можа» китобида саҳиҳ-соғлом эканини баён қилди, 2/ 151).

Ислом уммати ҳажнинг шаръий ибодат эканига ижмоъ қилган.

## Ҳажнинг шартлари

Ҳаж ва умра беш шартга эга бўлган одамлар учун ҳаётлари давомида бир марта фарздир.

Биринчи шарт: муслмонлик.

Чунки Аллоҳ таоло: «Мушриклар нажас-ифлос-дирлар ва бу йилдан сўнгра Масжидул-Ҳаромга яқинлашмасинлар», деб амр қилган (Тавба: 28).

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр разияллоҳу анҳуни амир қилиб ҳаж қилиш учун юборган гуруҳ ичида мени: «Бу йилдан сўнгра ҳеч бир мушрик ҳаж қила олмас ва Байтуллоҳни яланғоч одам тавоф эта олмас!», деб эълон қилишим учун юбордилар» («Фатҳул-Борий», 3/ 483; Имом Муслим ривояти, 2/ 982; Нававий шарҳи, 9/ 115).

Иккинчи шарт: ақлли бўлиш.

Бошқа ибодатларда бўлгани каби ҳажда ҳам, банданинг ақлли бўлиши шарт қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Қалам уч кишидан кўтарилган (яъни уларга гуноҳ йўқдир): ақли кетган ақлсиз ҳушига келгунига қадар, ухлаган уйғонгунича ва бола балоғат ёшига етгунига қадар» («Сунан» муаллифлари ва имом Аҳмад ривоят қилдилар. Аллома Албоний ҳам бу ҳадиснинг саҳиҳ эканини баён қилган. «Ирваул-Ғалил», 3/ 3-7).

Учинчи шарт: балоғат ёшига етиш.

Балоғат ёшига етмаган болаларга ҳаж қилиш фарз эмас. Бирок, ҳаж қилсалар ота-оналарига савоб ёзилади. Бир хотин кўлидаги боласини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга кўрсатиб: «Бунинг ҳажи ҳаж

бўладими?», деб сўраганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳа, сен учун ҳам савоб бўлади», деб жавоб бердилар («Фатҳул-Борий», 4/ 71; Имом Муслим: 2/ 974).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бирон бир бола ҳаж қилса, балоғат ёшига етганидан сўнг ҳаж қилиши фарздир. Бирон бир қул ҳаж қилса, озодликка (эришиб, хур бўлганидан сўнгра) ҳаж қилиши фарздир» (Фатҳул-Борий»: 4/ 71; «Ирваул-Ғалил»: 4/ 156).

Тўртинчи шарт: тўла эркинлик.

Қул ва чўрига ҳаж қилиш фарз эмас. Ҳаж қилса, ҳажи дуруст бўлади, аммо фарз қилинган ибодат ўрнига ўтмайди. Юқоридаги ҳадис бунга далилдир.

Бешинчи шарт: имконли бўлиш.

Ҳаж - ҳаж ибодатлари адо этиладиган ўринларга бориш имкони бўлган кишилар учунгина фарздир. Йўллари нотинч, ҳаж қилишга етарли молу-мулки бўлмаган одамларга ҳаж қилиш фарз эмас.

Хотин-қизлар учун қўшимча яна бир шарт бор. У – маҳрамларининг бўлишидир. Маҳрамлари – уларнинг оталари, ака-укалари, тоғалари, амакилари, ўғиллари, эркак набиралари ва эрларидир. Бу шарт, одамлар билан бир гуруҳ ичида бориб-келишларига қарамай, гарчи улар ўртасида хотин-қизлар кўп бўлса ҳам, соқит бўлмайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳеч бир эркак аёллар билан, уларнинг маҳрамлари бўлмаса, сафарга чиқмасин. Аёллар фақатгина маҳрами билангина сафар қиладилар» («Фатҳул-Борий», 6/ 143; Имом Муслим ривояти, 3/ 978).

Шуни ҳам эслатишимиз керакки, агар аёллар маҳрамсиз ҳаж қилсалар, ҳажлари фарз ҳаж ўрнига ўтади. Бирок, улар маҳрамсиз ҳаж қилганлари учун гуноҳкор бўладилар.

Мазкур беш шартни ўзида топган ҳар бир одам вақтни бой бермай ҳаж қилишга шошилиши керак. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз бўлган ҳажни кўзда тутиб: «Ҳаж қилиш учун шошилингиз! Чунки сизларнинг ҳеч бирингиз нималарга дуч келишингизни билмайсиз», дедилар (Имом Аҳмад ривояти, 1/ 14; Аллома Албоний, «Ирваул-Ғалил», 4/ 168; «Саҳиҳу Аби Довуд», 1/ 325; «Саҳиҳу ибн Можа», 2/ 147).

Умар разияллоҳу анҳудан нақл қилинади. У зот дедилар: «Шу ўлкаларга баъзи одамларни юборсам ва улар имкони бўла туриб ҳаж қилмаётган кимсаларни аниқлаб, уларга жизья-солиқ белгилашларини қасд қилдим. Ундай одамлар мусулмон эмаслар, улар мусулмон эмаслар» (Ибн Ҳажар, «ат-Талхисул-Ҳабир», 2/ 223).

У зотдан қуйидаги хабар ҳам нақл қилинган: «Имкони бор, йўллари хавфсиз ва тўла хуррият соҳиби бўла туриб ҳаж қилмаган одам хоҳласа яҳудий, хоҳласа насроний (христиан) бўлиб ўлсин!» (Байҳакий, «ас-Сунан ал-Кубро, 4/ 334; Ибн Ҳажар, «ат-Талхисул-Ҳабир», 2/ 223).

## Ҳаж қилиш учун ваколат бериш

Касаллиги, ўта қарилиги ёки бошқа бир сабаб билан ҳаж қила олмайдиган одамлар ҳаж қилиш ваколатини бошқаларга беришлари мумкин. Ҳажжатул-вадоъда отаси кексалиги туфайли ҳаж қила олмаганини айтиб, унинг номидан ҳаж қилишни истаган бир аёлга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унинг ўрнига ҳаж қилавер!», деган эдилар (Имом Муслим ривояти, 2/ 974).

Ваколат билан ҳаж қиладиган одам Аллоҳдан кўрқувчи ҳамда ҳаж ва умра аҳкомларини яхши билган бўлиши керак. Бундан ташқари, у ҳаж ваколатини берган одамнинг мажбуриятини адо этаётганини тўла хис этиши керак.

## Ҳаж ва умра қилувчиларга лозим бўлган одоблардан:

1. Аллоҳ таолодан сафарининг хайрли бўлишини сўраш.

2. Ҳаж ва умра ибодатини фақат Аллоҳ таоло учунгина қилиш. «Ҳожи» ёки «умра қилиб келган» деган унвонларни олиб, халқ ичида обрў-эътибор қозониш учун қилинган мазкур ибодатлар Аллоҳ ҳузурини қабул бўлмайди.

3. Ҳаж ва умра аҳкомларини ўрганиш.

4. Ҳаж ва умрани ҳалол маблағ билан қилиш. Чунки ҳаром лутма еб қилинган дуо Аллоҳ таоло тарафидан қабул қилинмайди, балки «ҳаром нарсаларни еган мускул (бадан) жаҳаннамга киришга лойиқдир» (Аллома Албоний, «Сахиҳул-Жомеъ»: 4/172)

5. Васият ёзиб қолдириш.

6. Сафарга солиҳ инсонлар ҳамроҳлигида чиқиш.

7. Уйдан чиқиш, уловга миниш ва сафарга йўл олиш пайтида ўқиладиган дуоларни ўқиш.

8. Сафар давомида кўп дуолар қилиш.

9. Барча фарзларни лойиқ бўлганидек адо этиш.

10. Ҳаж ва умра қилиш асносида гўзал ахлоқли бўлиш.

11. Ибодатларни қилиб бўлганидан сўнг имкон қадар тезроқ оиласи ҳузурига қайтиш ва бошқалар.

## Умра ва ҳажнинг мийқотлари

Мийқот – ҳаж ва умра учун махсус кийим – эҳром боғлаш керак бўлган ўрин бўлиб, ундан ўтиб, эҳромсиз ҳолда юрган ҳожи ва умрачилар гуноҳкор бўлади. Улар қуйидагилар:

### 1. Зул-Хулайфа.

Зул-Хулайфа – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Мадина шаҳридаги масжидларидан 13 км, Маккадан эса 420 км узоқликдаги жойдир. Мадиналиклар ва Мадина орқали ҳаж қилувчилар шу ердан эҳром боғлайдилар.

### 2. ал-Жухфа

ал-Жухфа – Шом (Сурия) тарафидан келганлар эҳром боғлайдиган жой бўлиб, Макка шаҳридан 208 км узоқликдадир.

### 3. Қарнул-маназил

Қарнул-маназил – Макка шаҳридан 78 км олисда бўлиб, Нажд, Эрон, Ироқ ва Кўрфаз аҳолиси ҳамда у ердан ўтаётган одамлар эҳром боғлайдиган жойдир.

### 4. Яламлам

Яламлам – яманликлар эҳром боғлайдиган ва Макка шаҳридан 120 км олисда бўлган жойдир.

### 5. Затул-Ирк

Затул-Ирк – Макканинг шарқида жойлашган ва ундан 100 км узоқликда бўлган жойдир.

Мазкур мийқотлардан ўтаётган, ҳаж ва умра ниятида бўлган барча одамлар бу ерларда эҳром боғлашлари фарздир.

Мийқотдан эҳром киймай ўтиб кетган одамлар ортларига қайтишлари ва мийқотда эҳром боғлашлари керак. Агар мийқотга қайтмасалар, бунинг жаримасига бир қўй сўйишлари лозим бўлади.

## Эҳром

Эҳром – ҳаж ёки умра қиладиган одамнинг махсус кийими бўлиб, икки бўлакдан иборатдир. Улардан бирини белга тиззаларни ёпадиган қилиб боғланади, иккинчисини елкага ташланади. Эҳром боғланганидан сўнг талбия айтиш бошланади. Талбия қуйидагидек айтилади:

«Лаббайкал-лоҳумма, лаббайк! Лаббайка ла шарийка лака лаббайк! Иннал-ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк, ла шарийка лак!» (Илоҳим, Сенинг амрларингга мунтазирман, мунтазирман ва Сенинг шерикларинг йўқдир! Дарҳақиқат, ҳамду-неъматлар ва эгадорлик Сенгагина хосдир! Сенинг шеригинг йўқдир!).

## Ҳаж ва умра турлари.

### 1. Фақатгина умра..

Мийқотда эҳром боғланар экан «Лаббайкалло-хумма умратан» деб умрага ният қилинади. Умра қилинганидан сўнг, эҳромларни ечилади. Умра «тамат-туъ ҳажжи» (ҳаж сафари асносида умра қилиш) билан ҳам қилинади. Бунда умрани қилиб, эҳромдан чиқилганидан сўнг, ҳаж учун алоҳида эҳром боғланади.

2. Қирон – ҳаж ва умрани бир боғланган эҳром билан қилиш.

Эҳром боғлаш асносида: «Лаббайка умратан ва ҳажжан» дейилади ва умрани қилинганидан сўнг, ҳаж ибодатини адо этилгунига қадар шу эҳромдан чиқилмайди.

### 3. Ифрод – ёлғизгина ҳаж қилиш.

Ифрод ниятидаги одам мийқотдан ёлғиз ҳажнигина қасд қилади ва эҳром кияр экан: «Лаббайкалло-хумма ҳажжатан», дейди.

## Эҳром кийилганидан сўнг ҳаром бўлган нарсалар:

1. Соч ва бадандаги бирон бир тукни сабабсиз олиш.

Агар тук са сочлар ўзлари тўкилса зарари йўқ.

2. Тирноқларни олиш.

Агар тирноқлар синса ёки ўзи тушса, зарари йўқ.

3. Эркакларнинг бош ва юзларини бирон нарса билан ўрашлари.

Салла ва бош кийими кийиш ҳам шу ҳукмдадир. Бироқ, шамсия (соябон) ишлатишнинг бирон бир монъелиги йўқдир.

4. Эркаклар шим, кўйлак, кўлқоп, пайпоқ каби тикилган, шунингдек хушбўй бўлган кийимларни кийишлари.

5. Эҳромга киргандан кейин қасддан хушбўй нарсалар аралаштирилган нарсаларни еб-ичиш ёки хушбўй нарсаларни суриш.

6. Ов ҳайвонларини ўлдириш ва овлаш.

7. Никоҳига олиш ёки никоҳига ўтиш.

8. Жинсий алоқа қилиш.

9. Хотинини қучоқлаш, ўпиш ва жимоъдан ташқари яқинлик қилиш.

Мазкур ҳаром ишларни билиб қилган кишилар фидя беришлари шарт бўлади.

## Эҳром кийган одамга мубоҳ (рухсатли) бўлган нарсалар

Эҳром боғлаган одам куйидаги амалларни қилиши мумкин:

1. Оёқ тўпиқларидан паст бўлган оёқ кийимларини кийиш.
2. Салқинлаш мақсадида ғусл қилиш.
3. Эҳроми кир бўлса ювиш ёки бошқа эҳромга алмаштириш.
4. Кўзойнак тақиш.
5. Қўл соати тақиш.
6. Қон олдириш.
7. Соябон, дарахт, бино ёки машина сояларидан фойдаланиш.
8. Белига камар, белбоғ ёки ҳамён боғлаш.
9. Зарарли бўлган хашаротлар, қутурган ит ва қушларни ўлдириш.
10. Хотин-қизларнинг шариатда изн берилган шаклдаги ҳар қандай кийимни кийишлари.

## Ҳажнинг рукнлари

Ҳажнинг рукнлари соғлом қарашларга кўра тўрттадир:

### 1. Эҳром.

Эҳром – ибодатни бошлашга ният, демакдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Амаллар ниятларга қарабдир...» («Фатхул-Борий»: 1/ 9; Имом Муслим: 3/ 1515).

### 2. Арафот майдонида туриш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳаж – Арафотдир», дедилар (Аллома Албоний, «Ирваул-ғалил»: 4/ 256).

### 3. Ифоза тавофи.

Аллоҳ таоло: «Сўнгра “Кўҳна Уйни” тавоф қилсинлар», деди (Ҳаж: 22, 29).

4. Сафо ва Марва тепаликлари ўртасида саъй қилиш (харакатланиш).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Саъй қилингиз! Чунки Аллоҳ сизларга саъй қилишни фарз қилди», дедилар (Аллома Албоний, «Ирваул-ғалил»: 4/ 269; Имом Аҳмад, «ал-Муснад»: 6/ 421).

Оиша разияллоҳу анҳо: «Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, Сафо ва Марва ўртасида саъй қилмаган одамнинг ҳажини Аллоҳ комил ўлароқ қабул қилмас», деди («Фатхул-Борий»: 3/ 497; Имом Муслим, 2/ 928).

## Ҳажнинг вожиблари

1. Мийқотда эҳром боғлаш
2. Арафотда Қуёш ботгунига қадар туриш.

Арафотда пешин намози вақтидан то Қуёш ботгунига қадар ибодат ва дуолар билан машғул бўлиш керак.

3. Кечани Муздалифа водийсида ўтказиш.
4. Ташриқ кунларида Минода тунаш.
5. Тошларни жамра (тош отиладиган ер) ларга тартиб билан отиш.
6. Сочларни кискартириш ёки устарада олдириш.
7. Видолашув тавофи.

## Умранинг рукнлари

1. Эҳром.
2. Тавоф.
3. Саъй.

## Умранинг вожиблари

1. Масжидул-Ҳаром ҳудудларидан ташқарида эҳром боғлаш.
2. Сочларни қисқартириш ёки устара билан қириш.

## Байтуллоҳни тавоф қилиш

1. Умра ёки ҳаж ибодатини адо этиш учун Байтуллоҳга келган одам тавофни бошлашдан аввал талбияни тўхтатади ва имкони борича одамларга озор бермасликка ҳаракат қилади. «Ҳажарул-Асвад» (Қора Тош)ни қўли, ҳассаси билан силайди ёки қўлини Ҳажарул-Асвад томонга узатиб: «Аллоҳу Акбар», дейди.

2. Байтуллоҳни чап тарафига олиб, тавофнинг бошланишида: «Аллоҳим, Сенга иймон келтириб, Китобингни тасдиқлаб, аҳдингга вафо қилиб ва пайғамбаринг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига эргашиб (тавофимни бошлайман), дейди (Байҳақий: 5/ 79; Абдурраззоқ, «ал-Мусаннаф»: 5/ 33; Ибн Таймийя, «Фатволар»: 27/ 120)

3. Эрақлар тавофнинг биринчи учтасида энгил югуриб тавоф қиладилар.

4. Эркаклар биринчи тавофда ўнг елкаси очик ва чап елкаси ўралган ҳолатида тавоф қилади.

5. Рукнул-ямонийнинг рўпарасига келингани пайт уни қўл билан силанади. Рукнул-ямоний билан Ҳажарул-Асвад ўртасида: «Роббана атина фид-дуня хасанатан ва фил-охирати хасанатан ва қина аза-бан-нар» (Роббимиз, бизларга бу дунёда ҳам, охирад-да ҳам яхшилиқлар бер!)- деб дуо қилинади.

6. Ҳажарул-Асвад олдига келганда, уни силанади ёки ўпилади. Агар буларнинг имкони бўлмаса, Ҳажарул-Асвад қаршисига келганда унга ўнг қўл билан ишора қилиб, бир марта такбир айтилади.

7. Еттинчи тавофни қилинганидан сўнг эҳромларни тузатилиб, уларни елкаларга ташланиб, Иброҳим алайҳиссаломнинг мақомига борилади ва унинг орқасида икки ракаат намоз ўқилади. Агар у ерда намоз ўқишнинг имкони бўлмаса, масжиднинг ҳар бир ерида ўқилса ҳам бўлаверади. Намознинг биринчи ракаатига «Кофирун», иккинчи ракаатига «Ихлос» сура-ларини зам сура қилиб ўқиш мустаҳабдир.

8. Замзам қудуғига бориб сув ичилади ва бошдан сув куйилади. Бу – мустаҳабдир.

9. Агар имкони бўлса, такрор Ҳажарул-Асвад олди-га бориб, уни силаш ёки ўпиш мустаҳабдир.

## Сафо ва Марва тепаликлари ўртасида саъй қилиш

Хожи ёки умра қилаётган одам Байтуллоҳни тавоф қилганидан сўнг, Сафо тепалиги томон юради. Сафога яқинлашгани замон:

﴿ إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ  
أَعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَّوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ  
اللَّهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ ﴾

«Албатта Сафо ва Марва Аллоҳ (буюрган) маросимлардандир. Бас, ким ҳаж ёки умра қилса, у икки тоғ орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир. Ва ким ўз ихтиёри билан яхшиликини ният қилса, бас, албатта Аллоҳ шукр қилгувчи (тақдирловчи) ва билгувчидир» (Бақара: 158) оятини ўқийди ва: «Аллоҳ бошлаган нарса билан бошлайман», дейди

2. Байтуллоҳни кўрадиган даражада Сафо устига чиқади ва:

«Аллоҳу Акбар, Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ. Лаҳул-мулку ва лаҳул-хамду, юҳийй ва юмийту ва ҳува ала кулли шайъин қодийр. Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, анжаза ваъдаҳу ва насара абдаҳу ва ҳазамал-аҳзоба ваҳдаҳ» (Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар! Ёлғиз шериксиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Эгадорлик ва мақтовлар Унгагина хосдир. У ўлдиради ва тирилтиради. Ҳолбуки, У барча нарсага қодирдир. Ягона шериксиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. У ваъ-

дасига вафо қилди, бандасига ёрдам берди ва ўзи душман гуруҳларини мағлуб этди), дейди ва қўлларини кўтариб, имкони борича дуо қилади.

3. Сўнгра, Сафодан тушиб, Марва томон юра бошлайди. Яшил чироқлар қўйилган ерга келганида имкони борича тез югуради. Бироқ, югуриш асносида бошқаларга зарар бермайди. Яшил чироқлар қўйилган ердан ўтганидан сўнг, одатдагидек юради ва Марва тепасига чиқади ҳамда Сафо устида қилган ишларни қилади.

4. Марвадан Сафо томон кетар экан, саъй асносида хоҳлаган зикр ва дуоларни қилиши мумкин. Яшил чироқлар қўйилган ерда тезроқ югуради. Марванинг устига чиқиб, яна дуо ва зикрлар қилади.

Саъйни таҳоратсиз қилинса ҳам бўлаверади. Сафодан Марвага бориш бир санок, Марвадан Сафога қайтиш бошқа бир санокдир.

5. Сафодан бошланиб, еттинчи саъй Марвада тугайди. Ундан сўнг, сочларни ё қисқартирилади ёки устара билан қирилади. Аёллар сочларини жамлаб унинг учидан бир бармоқ бўғини миқдорида кесишлари етарлидир.

Юқоридаги ишларни қилган умра ниятидаги одам эҳромини ечади ва умраси тугайди. Ҳаж ниятидаги одам эса, курбонлиги бўғизланганини билганидан сўнггина эҳромини ечади ва эҳром асносида харом бўлган барча нарсалар унга ҳалол бўлади.

\* \* \*

## Мундарижа

Ҳаж ва умранинг фазилатлари.....	3
Ҳаж аҳкомлари.....	6
Ҳажнинг шартлари.....	7
Ҳаж қилиш учун ваколат бериш.....	10
Ҳаж ва умра қилмоқчи бўлган одамларнинг одобларидан.....	11
Умра ва ҳажнинг мийқотлари.....	12
Эҳром.....	13
Ҳаж ва умра турлари.....	14
Эҳром кийилганидан сўнг харом бўлган нарсалар....	15
Эҳром кийган одамга мубоҳ (рухсатли) бўлган нарсалар.....	16
Ҳажнинг рукнлари.....	17
Ҳажнинг вожиблари.....	18
Умранинг рукнлари.....	19
Умранинг вожиблари.....	19
Байтуллохни тавоф қилиш.....	19
Сафо ва Марва тепаликлари ўртасида саъй қилиш....	21
Мундарижа .....	23